

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
қошидаги Фан ва технологиялар маркази

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

СУДЛАРНИНГ ЯНГИ МАҚОМИ



«Akademiya» нашриёти
«Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти»
Тошкент 2005

Матн муаллифлари:

З. Иноғомжонова, М. Ражабова

Мазкур рисолада юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, судларнинг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, дастлабки тергов ва судга ча бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш ҳамда айрим процессуал мажбурлов ва тергов ҳаракатларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Шунингдек, рисолада суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари масъулиятини явада кучайтириш, уларнинг профессионал ва фуқаролик бурчлари ҳамда вазифаларини сидқидилдан бажаришларини таъминлаш масалалари ҳаётий мисоллар асосида ёритиб берилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисола тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

Ю 31601
0

1005 5576	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------	--

© «Akademija» нашриёти
«Ўзбекистон Файласуфлари
миллий жамияти нашриёти»

Кириш

Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларда-ноқ мустақил ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимия-тининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъмин-лашга алоҳида эътибор қаратилиши, суд-ҳуқуқ тизи-мини босқичма-босқич эркинлаштириш ва демократ-лаштиришнинг ҳуқуқий асоси яратилгани бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларни изчил ва тадри-жий амалга ошириш имконини бермоқда.

Бугунги кунга келиб суд-ҳуқуқ тизимидаги исло-хотлар ва жазо тизимининг либераллаштирилиши ушбу тизимни жазолаш аппарати эмас, балки ҳар бир ин-соннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя этиш институтига айланишига замин яратди.

Шу маънода, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий муста-қиллигини таъминлаш тамойиллари, процессуал маж-бурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқининг судга ўтказиш зарурати, жазо тизимини либераллаштириш усуллари, яъни суд-ҳуқуқ тизими ислохотининг янги концепциясини амалда таъминлаш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш-нинг аниқ йўналишлари жаҳон тажрибаси ва мамла-катимизда мустақиллик йилларида эришилган амалий натижалар мисолида таҳлил этилиши алоҳида аҳами-ят касб этади.

Суд назоратини кучайтириш зарурати

Юртимизда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар даврини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий ҳаётимиздаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асос ва қонунлар тизимининг яратилиши.

2. Мавжуд қонунларни такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш муаммоларининг ҳал қилиниши.

3. Қонунларнинг либераллаштирилиши, яъни демократик тамойилларга ҳамда ҳаёт талабларига мослаштирилиши.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатларини олий қадрият деб билиш ва уни таъминлаш учун зарур.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишининг ҳуқуқий заминини белгилаб берган, мустақиллик қомуни бошлаб берган десак, хато қилмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида суд ҳокимиятининг мустақил ҳокимият деб эътироф этилиши жамият ҳаётида судга нисбатан мутлақо ўзгача қараш ва тушунчаларнинг шаклланишига олиб келди.

Суд-ҳуқуқ тизимида кетма-кет қабул қилинган қонунлар¹, уларни такомиллаштириш² ислоҳотларнинг борган сари чуқурлашиб бораётганидан далолатдир.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, жиноят ишларининг ҳайъат ва якка тартибда кўрилиши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, айбсизлик презумпцияси, судда ишларни юритишда тортишув

каби қатор конституциявий тамойилларнинг жиноят судлов ишларини юритишда қўлланиши судьяларнинг обрўи ва мавқеини оширди. Судьялар фаолияти сифатини тубдан яхшилаш ҳамда одил судловни амалда таъминлаш мақсадида судьялар ихтисослаштирилиб, жиноят ишлари бўйича туман ва фуқаровий ишлар бўйича туманлараро судларнинг ташкил этилиши³, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатта эга бўлган судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларининг ташкил этилиши⁴, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичини кучайтириш мақсадида апелляция тартибида иш юритишнинг жорий қилиниши⁵, жиноят натижасида моддий, маънавий, жисмоний зарар кўрган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида ярашув институтининг татбиқ этилиши⁶ миллий қадриятимизга мос бўлиб, қонунларимизнинг самардорлиги, замон талабига мос эканини намоён этмоқда. Лекин ҳаёт заруратга айланган бу натижаларнинг янада такомиллашувини талаб этмоқда. Юртбошимиз 2005 йилнинг 14 январида “Независимая газета»сининг мухбирига берган интервьюсида баён қилганидек, «мустақил суд тизимига эга бўлишимиз, бунинг учун ислохотларга муносиб бўладиган сифатли қонунларни яратиш»имиз, “судларнинг адолатли бўлишига эришиш”имиз “одил судлов йўлида гов бўлиб турган, ҳар бир инсонга унинг муносиб турмуш кечириш, ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиш ҳамда фуқароларимиз фаровонлигини оширишга ҳалал бераётган барча тўсиқларни бартараф этиш”⁷ бугун заруратга айланмоқда.

Бу йўлда бош мақсадимиз — “демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан босқичма-босқич” бориб, “Ўзбек моделига қатъий амал қилиш” ҳамда “суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият бериш”⁸ дан иборат. Бунинг учун:

1) судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш;

2) дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш;

3) айрим процессуал-мажбурлов ва тергов ҳаракатларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш.

4) юқоридаги вазифаларни бажариш учун ташкилий ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ҳамда суд тизими, ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш⁹ лозим.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигига эришиш учун ўзаро узвий боғлиқ бўлган ёки бир-бирини тўлдирадиган бир неча масалаларни ҳал қилиш керак:

1. Суд ҳокимияти тизимида суд назоратини кучайтириш лозим. Бунинг учун аввало суд ҳокимияти тизимини ташкил этувчи судлар фаолиятини мувофиқлаштириш керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини олайлик. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида бу суд ўзининг мавқеи, фаолияти ва ваколати билан алоҳида ўринга эга. “Конституциявий суд” тўғрисидаги қонуннинг биринчи моддасида унинг фаолияти ва ваколат доирасига тушунча берилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорлари, Ўзбеки-

стон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлаш вазифаси белгиланган дейилган.

Бизнингча, Конституциявий суд фаолияти доирасини кенгайтириб, бу борадаги қонун ҳужжатига айрим қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилиши лозим:

а) суд тизими фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди пленуми қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига шикоят ёки мурожаат қилиш тартиби белгиланиши мақсадга мувофиқ. “Судлар тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди раиси пленум тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида пленумга тақдимнома киритиши қонуннинг 26, 53-моддасида белгиланган. Бизнингча, бу етарли эмас. Пленум коллегиял орган бўлиши билан бир қаторда, суд ҳокимиятининг энг юқори органи пленумнинг ўзи ёки ундан юқори турган орган Пленум қабул қилган қарорига ўзгартириш киритиши, ўзгаришсиз қолдириши ёки бекор қилиши мумкин. Пленум эса Олий суд раиси раҳбарлигида ўтказилади. Демак, иш ҳақиқатан тўғри ҳал қилиниши ва адолат қарор топиши учун бетараф томон масалани ойдинлаштириши керак.

б) Конституциявий судга фуқаролар, мансабдор шахслар (айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари) конституциявий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаганларида уни тиклашни сўраб, мурожаат қилишга ҳақли бўлиши керак. Бунинг учун Конституциявий суд судьялари сонини ошириш мақсадга мувофиқ.

2. Умумий судлар тизимида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш учун уларнинг мақомини кенгайтириш лозим. Бунинг учун:

а) судьяларни сайлаш ва тайинлаш муддатларини узайтириш, яъни беш йилдан ўн йилга тайинлаш ёки умрбод сайлаш тартибини жорий қилиш талаб этилади. Албатта, бунинг ўзига хос талаблари ҳамда шартлари ишлаб чиқилади;

б) халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий мақоми, уларга қўйиладиган талаб ва шартлар низом ёки қонун шаклида ўз ечимини топиши керак. Айни пайтда “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 62-моддаси ва ЖПКнинг 30 ва 407-моддаларида бу масалага оз бўлса-да, ўрин ажратилган. Амалиётда халқ маслаҳатчиларининг иштироки етарли натижа бермаётгани ҳам тўғри, лекин бунинг асосий сабаби айрим масалаларнинг ҳал қилинмагани билан боғлиқ. Масалан, халқ маслаҳатчиларини тайёрлаш, уларни рағбатлантириш, имтиёзлар бериш (жумладан, нафақа тайинлашда), ҳукм бекор бўлганида судья билан тенг бўлиб, ишни мазмуван кўришда иштирок этганини ҳисобга олиб, уларнинг ҳам жавобгарлиги масаласини кўриш ва ҳоказо. Қолаверса, халқ маслаҳатчиларининг иштироки жиноят судлов ишларини юриштишга жамоатчиликни жалб қилиш ҳисобланади, бу эса демократиянинг кўринишларидан бири демакдир. Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчиларидан воз кечиш йўлини қидириш эмас, улардан унумли фойдаланиш чораларини излаш лозим. Мақсадимиз фуқаролик жамияти қуриш экан, бу кенг оммани ҳуқуқий онгини ошириш ва одил судлов ишларига уларни жалб қилишни талаб этади.

в) судьяларни тайёрлаш механизминини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бу ўринда проку-

ратура ходимларини тайёрлаш тартиби эътиборга лойиқ. Чунончи, судларда ҳам жамоатчи судьялар ёки судья ёрдамчилари каби вазифаларни ташкил қилиш ҳақида ўйлаб кўриш даркор.

Судьяларни суд ижрочилари таркибидан тайинланиш амалиёти, бизнингча, тўғри эмас. Суд ижрочиси фақат судьянинг фармойишларини бажаради. У бевосита жиноят иш материаллари билан танишмайди, тегишли хулосалар чиқармайди. Судья ёрдамчиси бир йил давомида малакали судьялар раҳбарлигида тажриба ошириб, кўргазмали суд мажлисларини ўтказиб, процессуал ҳужжатларни мустақил расмийлаштириб, имтиҳон топширганидан сўнг, судья лавозимига тайинланиши керак. Бизнингча, судьялик лавозимига номзод танлашда ҳодимлар унинг ақли, заковати, билимини аниқлаш билан бирга, ички дунёси, инсоний фазилатлари, энг муҳими, ҳар бир ишда адолатли эканига эътиборни қаратиш лозим. Номзод ҳақидаги бундай маълумотларни шу инсон билан иш юзасидан яқин маслакдош бўлган мураббий, мутахассисгина холис айтиши мумкин. Шунинг учун ҳам судья ёрдамчиларини тажрибали, талабчан судьяга бириктириб, уларга иш ўргатиш керак.

г) судьяларни аҳоли сонидан ва кўриладиган ишларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки барча хорижий давлатларда судьялар сони аҳоли сонидан келиб чиқиб белгиланади. Бунинг ижобий томони шундаки, у судьяларнинг унумли ишлаши учун шароит яратади. Ва аксинча, судьяларга ишни керагидан ортиқча юклаб қўйиш ишининг сифати ва самарасига салбий таъсир этиши табиий.

д) кези келганда, “Судьялар тўғрисида”ги қонуннинг

84-моддасида белгиланган “судьяларнинг махсус кийими” хусусидаги масалага эътиборни қаратмоқчимиз. Назаримизда, судьяларнинг ички дунёсига, шакл-шамойилига, ақл-заковати ва бошқа қатор инсоний фазилятларига қўшимча ташқи кўринишларини ўзига хос белгилаш суд этикаси учун зарур.

Юқоридаги масалаларнинг босқичма-босқич ижобий ҳал қилиниши “**ҳеч муболагасиз бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди**”¹⁰.

Судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, Юртбошимиз таъкидлаганидек, уларни жиноят процессининг муҳим босқичларидан бўлган дастлабки терговга олиб киришни талаб этади. Деярли барча хорижий мамлакатларда дастлабки тергов устидан умумий раҳбарлик прокурорда бўлса ҳам, айрим процессуал ва тергов ҳаракатлари устидан назорат судьянинг ваколатига берилган. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам, Президентимиз нутқларидан келиб чиқиб, дастлабки терговда инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган масалаларни судга олиб бериш тартибининг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун Жиноят процессуал кодексига, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунга жиддий ўзгартириш киритиш талаб этилади. Шундай экан, давлатимиз раҳбари маърузасида таъкидлаганидек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари масъулиятини янада кучайтириб, уларнинг профессионал ва фуқаролик бурчи ҳамда вазифаларини сидқидилдан бажаришини таъминлаш лозим.

Процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш

Дастлабки тергов жиноят процессининг мустақил бо-
сқичи бўлиб, тергов органлари (прокуратура терговчи-
лари, миллий хавфсизлик органлари терговчилари, ми-
лиция терговчилари) томонидан олиб борилади. Тергов-
чиларнинг фаолияти жиноят судлов ишларини юритиш
вазифаси билан мутаносиб. Терговчилар жиноят ишла-
рини тўлиқ, ҳар томовлама ҳолисона текшириб, жино-
ятни очиш, айбдор шахсларни фош этиш, келтирилган
зарарни қоплаш, жиноятга сабаб бўлган шарт-шароит-
ларни бартараф қилиш чораларини кўриш каби вазифа-
ларни амалга оширади. Уларнинг тажрибаси, ақл-зако-
вати, қобилияти, масъулияти жамият илллати бўлган жи-
ноятчиликка қарши курашда муҳим омил бўлиб хизмат
қилади. Терговчи нафақат ташаббускор ва тезкор, балки
ташкилотчи ҳам бўлиши керак. Масалан, суриштирув
органларига топшириқлар бериб, уларнинг бажарили-
шини назорат қилиш (ЖПКнинг 36-моддасининг 4-қисми)
ёки бошқа туман, вилоят, қолаверса, хорижий давлат-
ларнинг тегишли муассасаларига иш юзасидан топши-
риқлар бериш, (ЖПК нинг 5-моддаси) ёки уларнинг топ-
шириқларини бажариш (ЖПК нинг 6-моддаси) шулар
жумласидандир.

Терговчи ўз фаолиятини самарали амалга ошириши
учун қонун билан кафолатланган мустақиллиги мавжуд,
чунки ЖПКнинг 81-моддасида қайд этилган шахсни “ай-
блаш ва ҳукм қилиш учун асослар”ни исботлаш айнан
терговчига юклатилган. Шунинг учун ҳам ЖПКнинг 36-
моддасининг 3-қисмида терговчининг ваколатларига те-

гишли бўлган процессуал мустақиллик доираси ва уни амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилган.

Буларга қуйидагилар киради: а) шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш; б) жиноятни тавсиф қилиш; в) айбловнинг ҳажмини белгилаш; г) эҳтиёт чораси сифатида қамокка олиш; д) ишни судга юбориш; е) ишни тугатиш; ё) ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги прокурорнинг ёзма кўрсатмалари билан келишмаса, ўз эътирозларини юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади, ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига тошпиради.

Бошқа барча ҳолларда терговчи процессуал ва тергов ҳаракатларини қонунда белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширади. Дастлабки тергов иштирокчилари жинорий муносабатга киришар экан, қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади. Масалан, ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчилар (гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакил, жабрланувчи, уларнинг вакили, қонуний вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари) дастлабки терговнинг самардорлигини оширишга хизмат қиладиган иштирокчилар (гувоҳ, холис, таржимон, эксперт, мутахассис) шулар жумласидандир.

Терговчининг энг муҳим вазифаларидан бири — юқорида номлари зикр этилган жараён иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва бурчларини бажаришларини талаб қилишдан иборат. Бунинг учун терговчига процессуал мажбурлаш ваколоти ҳамда тергов давоми-

да барча иштирокчиларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини таъминлаш мажбурияти юклатилган. Қонун билан белгиланган бу процессуал тартиб жиноят судлов ишларини юритишда ягона, уюшган механизм асосида амалга оширилсагина ижобий натижага эришилади, акс ҳолда, инсон ҳуқуқлари поймол этилиши, қонунга ҳурмат, давлат хизматчиларига ишонч йўқолиши мумкин. Бу эса “бизнинг асосий, узоқ муддатли вазифамиз” бўлган “демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёни”га путур етказди.

Дастлабки тергов давомида иш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уй-жойлари, телефон орқали сўзлашувлари, мулклари билан боғлиқ дахлсиз ҳуқуқларига доир процессуал мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин. Бундай ҳолда терговчи ваколатига қўшимча кафолат сифатида назорат қилувчи прокурорнинг розилиги олинади.

Прокурор розилиги билан амалга ошириладиган процессуал мажбурлов чораларига лавозимидан четлаштириш (ЖПКнинг 256-моддаси), шахсни тиббий муассасага жойлаштириш (ЖПКнинг 266-моддаси), алоҳида ҳолларда гумон қилинувчига, у ушланган кундан бошлаб қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш (ЖПКнинг 226-моддаси), эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш (ЖПКнинг 242-моддаси), тергов ҳаракатларидан: мурдани эксгумация қилиш (ЖПКнинг 148-моддаси), олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш (ЖПКнинг 161-моддаси), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПКнинг 166-моддаси), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПКнинг 170-моддаси) кабилар тегишлидир. Бундан ташқари, дастлабки терговни тугатиш,

тўхтатиш ва тамомлаш масалалари ҳам терговчи фаолиятига тааллуқли бўлиб, бу масалаларга бағишланган қарорнинг нусхаси албатта назорат қилувчи прокурорга етказилади ва бу бўйича унинг розилиги олинади.

Президент Ислон Каримов маърузасида дастлабки тергов босқичига суд назоратини олиб кириш тўғрисида жуда муҳим фикр билдирилган: “...прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир ва бу энг аввало конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни, уларнинг дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир. Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак деб ўйлайман”¹¹.

Бундай процессуал тартиб Ўзбекистон тарихида биринчи бор жорий қилиниши. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, “ушбу жараён ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ва жиддий тарзда ишлаб чиқишни ҳамда суд тизими ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгаришларни киритиш учун зарур тайёргарликка эга бўлишини тақозо этади”¹².

Бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилар экан, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, илмий-амалий анжуманларда фикр алмашиш, тренинг ва давра суҳбатлари ўтказиш орқали “живоят процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараёни устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келди”¹³.

Дастлабки терговда суд назоратини ўрнатишнинг икки муҳим жиҳати мавжуд:

1) бу юқорида таъкидлаб ўтилган процессуал мажбурлаш чоралари, эҳтиёт чоралари, тергов ҳаракатларига суд томонидан розилик (санкция) беришни жорий қилиш;

2) дастлабки терговда амалга ошириладиган процессуал ва тергов ҳаракатлари, терговчи ёки бошқа мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари); ноқонуний чиқарилган процессуал ҳужжатлари устидан судга шикоят қилиш тартибини жорий қилиш.

Жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириб, бу шикоятларни қайси судья кўради, судьянинг ваколат доираси, шикоятни кўриб чиқиш муддати, тартиби, шунингдек, санкцияни бериш ваколатининг қайси судьяга берилиши ва унинг тартиби ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг назаримизда, шикоят аризаларини кўрадиган судьялар бир вақтнинг ўзида санкцияни ҳам бериши керак. Уларни “тергов судьялари” ёки бошқа ном билан аташ мумкин. Улар жиноят ишларини мазмунан кўрмайди. Тергов судьяларининг ишлари юзасидан шу суднинг раисига ёки ундан юқори турган судга шикоят қилишлари мумкин бўлади.

Жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариш — суд- хуқуқ тизимини либераллаштиришнинг муҳим масаласи

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида: “суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этиш лозим бўлган муҳим бир масала — жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш” таклифини илгари сурди. Қуйида ўлим жазосининг жазо тизимидаги ўрни, тарихда жиноий қонунчилик ва суд амалиётидаги бу жазони бекор қилиш тўғрисидаги турли ёндашувлар, ҳозирги вақтда бошқа давлатларда жиноят ҳуқуқи ва қонунларида ўлим жазоси билан боғлиқ масаланинг қай тарзда ҳал этилаётгани, шунингдек, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш учун ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги, нима сабабдан ўлим жазосидан воз кечиш керак, деган бир қатор саволлар атрофида мулоҳаза юритишга жазм этдик.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўлим жазоси кишилик жамиятининг барча босқичлари ва ижтимоий тузумларида, яъни ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб то ахборот ҳамда интеллектуал ривожланиш асри ҳисобланган ҳозирги даврда ҳам энг оғир жазо ҳисобланади. Одамлар тўда-тўда шаклда бир уруғ бўлиб яшаган замонларда ҳам, кейинчалик ижтимоий турмуш тарзи юксалиши натижасида уруғлар бирлашиб, қабилалар сифатида кун кечирган даврларда ҳам бир-бирини ўлдириб билан боғлиқ воқеалар содир этилганида қабиладошини ўлдирган одамдан қасос олиш расм бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси жазо тизимига киритилган чоғлардан оқ унинг шафқатсизлиги

сабабли амалиётда қўллаш ёки бекор қилиш тўғрисида турли баҳс-мунозара ва тортишувлар юзага келган. Бу масала ҳозиргача узил-кесил ечимини топмаган десак, асло хато эмас. Бу ўринда манбалардан бирида ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ муҳокама жараёни тўғрисида баён қилинган қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз. Унда ёзилишича, қадимги тарихда Пелопон жанги деб ном олган греклар ва афиналикларнинг ўзаро урушидан сўнг афиналиклар сотқинлик қилиб улар тарафига ўтган грекларни (Митилена шахри) қатл этиш, уларнинг хотин ва болаларини эса қул қилиш керак, деган масала халқ мажлисида (қонун қабул қилувчи кенгаш) муҳокама этилган.

Муҳокамада ўлим жазосини қўллаш тўғрисида икки хил фикр билдирилган. Бир гуруҳ одамлар бу жазони қўллашни ёқлаган бўлса, бошқалар унга қарши чиққан. Айниқса, афиналик файласуф Диодот ўлим ўта қаттиқ жазо экани, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмагани, яъни у ижобий самара бермаганини ўша давр амалиётидаги аниқ мисоллар ёрдамида мажлис иштирокчиларига тушунтирди. Натижада ушбу масала овозга қўйилиб, иштирокчилар ўлим жазосини қўллашга қарши овоз беради.

Бундан кўриниб турибдики, ўша замондаёқ ўлим жазосидан воз кечилган. Аммо кейинчалик давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятидаги умумий қонуниятлардан кўра ўзига хос ривожланиш тамойиллари устунлик қилиши оқибатида ўлим жазосидан фойдаланиш қонунлаштирилган. Масалан, қадимги Бобил давлатида яратилган Хаммурапи қонунларида “жонга — жон, тишга — тиш” тамойили акс эттирилган. Бу жазо талион, яъни тенг жазо деб аталган. Бунда етка-

зилган зарар миқдорида жиноятчининг ўзига ҳам айнан шу тур ёки миқдорда шикаст ёки зарар етказиш қоида-сига амал қилинган.

Қасос олиш айрим диний таълимотларда, жумладан, ислом таълимотида ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, мусулмон ҳуқуқидаги тенг жазо унчага бўлган даврдаги талиондан фарқ қилади. Илгари тенг жазога нафақат жиноятчи, балки у билан бирга унинг яқинлари ҳам тортилган бўлса, шариатда бу жазо фақат жиноятчининг ўзига нисбатан қўлланилган. Бу ҳозирда жиноят ҳуқуқидаги жазони алоҳида (индивидуал) қўллаш тамойилига мутаносибдир. Бундан ташқари, мусулмон ҳуқуқидаги қасос олиш мазмун-моҳияти жиҳатидан исломгача бўлган таълимотлардан тубдан фарқ қилади. Жумладан, Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 178-оятида “Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл учун аёлдан. Биродари томонидан авф этилса (хун тўлашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир).

Бу (ҳукм) Раббингиз томонидан энгиллик ва марҳаматдир” дейилган. Мазкур оят мазмунидан жиноятчига нисбатан ўлим жазоси қўллашдан кўра уни авф этиш, яъни бошқа энгилроқ жазо — хун ёки товон тўлаш мажбуриятини юклашни Оллоҳнинг ўзи ихтиёр этган, деган маънони англаш қийин эмас.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, ўрта асрларда ўлим жазоси асосий жазо тариқасида аксарият жиноятлар учун қўлланилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун, Германияда Карл V даврида 100 минг, Англияда Генрих VIII томонидан 70 минг, Нидерландияда Филипп II томонидан 18 минг нафар

кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозный деб ном олган Иван IV даврида (1550 йил) қабул қилинган “Суд” ҳужжатида 60 турдаги жиноятларга ўлим жазоси кўзда тутилган.

XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврларда жаҳондаги давлатлар томонидан ўлим жазосини кўп қўллаш билан боғлиқ амалий тажриба жиноятчиликка, айниқса, унинг ўта оғир турлари, жумладан, айбни ўтар оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш жиноятига барҳам бера олмади. Шу сабабли амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида инсон ҳаёти дахлсиз ва ҳеч қандай куч билан ажратилмас бойлик; бу жазо ўта оғир жиноятга мойил инсонларни қўрқитиш ва жиноятдан сақлашга асос бўла олмайди; ўлим жазосини қўллашда хатога йўл қўйиш тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин; ўлим жазоси маҳкумни тузатиш тамойилини йўққа чиқаради, деб ушбу жазосини қўллаш билан боғлиқ амалиётга чек қўйиш керак, деган хулосага келинди. Чунки, ўлим жазоси мавжудлиги билан боғлиқ жазолашдаги шафқатсизлик фақат шафқатсизликни келтириб чиқариши амалда ўз исботини топди.

Қолаверса, кўпгина давлатларнинг ўлим жазосини бекор қилишига судлар томонидан бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишда тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйилгани ҳам сабаб бўлди. Ноқонуний тергов усулларини қўллаш ва сохта гувоҳликлар асосида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг кейинчалик батамом оқланганига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўлим жазоси тўғрисида фикр юритганда, ўтган асрнинг 30-50-йилларида собиқ шўро тузумининг мустабид ҳуқуқ тизимида ҳам бу жазонинг сақлангани, 20 миллион нафар кишининг “қатагон қурбони”га айланганини эсга олиш

жоиз. 80-йиллардаги “пахта иши”, “ўзбеклар иши” баҳонасида ўлим жазосига маҳкум қилинган юртдошларимизнинг Президент Ислам Каримовнинг мардона саъй-ҳаракатлари туфайли оқлангани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният тамаддунининг янги даври бошланиб, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, жумладан, ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқи олий қадрият сифатида эътироф этилди. Хусусан, БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгаллиги белгиланган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани кафолатланади, дейилган.

Мамлакатимиз моҳият жиҳатдан ҳуқуқий давлат, мазмунан фуқаролик жамият қуриш йўлини танлади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида эса қонун устуворлигидан кўра қонун ҳукмронлиги муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинган қонунларни амалда қўллашда барча — юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун меъёрларига риоя қилишини таъминлашга эришилгандагина жамиятда шахснинг эркинлигига дахлдор ҳуқуқлари рўёбга чиқади. Шу боис мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар замирида ҳам айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга мослаштиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида босқичма-босқич тамойили асосида жиной жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташланаётганини эътироф этиш жоиз.

Фикримиз исботи тариқасида айтадиган бўлсак, 1995 йилгача амал қилган Жиноят кодексига 33 та жиноятга ўлим жазоси кўзда тутилган эди. Кейинги Жиноят кодексига эса уларнинг 13 таси сақлаб қолинди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланмайди. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатта озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин (ЖКнинг 51-моддаси).

Жиноятга оид қонунчиликни эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш масаласини муҳокама қилиш чоғида Президент Ислам Каримов **ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларига асосланган бўлишини, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланишини** алоҳида таъкидлаган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари жинсий жазоларни либераллаштиришдан кўзланган яна бир мақсад — ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятлар рўйхатини қисқартириш тўғрисида шундай фикр билдирган эди: **“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида “ўлим жазоси” масаласида кўзда тутилаётган асосий мақсад - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбу-**

зарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”.

Ана шу устувор вазифадан келиб чиқиб, 1998 йилда Жиноят кодексига бешта моддадан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддадаги жазо қисқартирилди. 2004 йилда эса бу жазо бор-йўғи иккита, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун татбиқ этиладиган бўлди. Булар мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларга зикр этилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга интилаётганининг амалдаги исботидир.

Шу маънода, Президент Ислон Каримовнинг ўлим жазосидан мутлақо воз кечиш ҳақида билдирган таклифи тўлиқ асосга эга.

Биринчидан, Жиноят кодексининг 42-моддасида “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланиши белгиланган. Ўлим жазоси қўлланганда эса “маҳкумнинг ахлоқи тузалиши мумкин”, деган иборанинг асосий маъноси ўз-ўзидан йўққа чиқади. Бошқача айтганда, бундай ҳолда жазонинг мақсади - маҳкумни ахлоқан тузатиш эмас, ундан қасос олишга айланади. Бу эса кишилар онгида инсон ҳаёти — олий қадрият деган туншунча қасддан ўлдириш орқали топталади, деган тасаввурни пайдо қилади.

Иккинчидан, ўлим жазосининг сақланиши жамият аъзоларининг атрофида рўй бераётган хавфли воқеаларга бефарқлигидан дарак беради. Фикримизча, эркин ҳаёт кечиришни, оддийроқ қилиб айтганда, Европа, Амери-

ка ва Осиёдаги ривожланган давлатлардаги каби фаровонликка, юқори турмуш даражасига тезроқ эришишни истаган, жамиятнинг барча соҳаларида руҳий, маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ва муътадил муҳит яратиб ҳаётий воқеликка айланишини хоҳловчи жамият аъзоларининг диққат-эътибори, куч-ғайрати ҳар қандай, жумладан, ўлим жазоси қўлланадиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Ҳолбуки, инсон ҳаётига тажовуз қилиш бир томонлама — фақат жамият аъзоларига эмас, балки давлат учун ҳам узил-кесил тақиқланган бўлиши шарт. Акс ҳолда инсон ҳаёти мутлақ дахлсиздир, деган муҳим тамойил жамият ахлоқ-одоби қоидаларига путур етказди.

Ана шу тамойилга таянган ҳолда, ҳозирги кунда жаҳондаги 100 га яқин давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинган. Жумладан, Швеция ва Финландия 1972 йилда, Германия 1949 йилда, Франция 1981 йилда, 1990 йиллардан бошлаб Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария, Греция, Польша, Молдова, Италия, Испания давлатлари ўлим жазосидан воз кечган. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, амалиётда қўлланилмайди.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг “Ўлим жазосини бекор қилиш ўта мураккаб масала бўлиб, чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, биринчи навбатда, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади, чунки бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши” деган фикрига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Негаки, ўлим жазосини бекор қилиш масаласини аҳолига тушунтириш жараёни бир неча босқични ўз ичига қам-

раб олиши мумкин. Ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масала нафақат ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, шунингдек, сиёсатшунос, диншунос, психолог, тарихшунос ва бошқа соҳа мутахассисларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатини тақозо этади. Фикримизча, аҳолига бу борада тушунтириш ишларини амалга оширишда дастлаб, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда, кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий-маърифий ишлар билан боғлиқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши лозим. Бу вазифани мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги ва Республика «Маънавият ва маърифат» маркази зиммасига юклатилса, айти муддао бўлар эди.

Ўта оғир жиноят содир этган (айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм) маҳкумларга ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалани ҳал этишга навбат етганида, Жиноят кодекси, Жиноят ижроия кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали муҳокама қилинади. Кейин эса Сенатда маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганидан сўнг қонуний ҳал этилган бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси ўрнига суд томонидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳбуслар жазони алоҳида колонияда ўташи лозим бўлгани сабабли уларни сақлаш билан боғлиқ жазони ўташ муассасини қуриб битказиш учун бюджетдан тегишли маблағ ажратилиши ва бинони тайёрлаш ҳам маълум муддат талаб этади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўлим жазосини бекор қилиш

билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар 2-3 йил ичида амалга ошириши мумкинлигини билдирди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ҳаёт ҳар бир инсонга бир мартаба берилади, шунинг учун ҳам ундан инсонни маҳрум этишга ҳеч ким қодир эмас, деган тушунчани барчанинг онгига сингдириш фурсати етди. Шу боис барча ислоҳотлар ва қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилишини назарда тутсак, ўлим жазосининг жазо тизимидан олиб ташланиши ҳар томонлама адолатлидир. Зотан, жазонинг асосий мақсади — шахсга жавобгарликнинг муқаррар эканини аёнлаштиришдан иборат.

Адабиётлар

1. “Прокуратура тўғрисида”ги (1992 й. 9 декабр), “Судлар тўғрисида”ги (1993 й. 2 сентябр), “Конституциявий суд тўғрисида”ги (1993 й. 6 май), “Адвокатура тўғрисида”ги (1996 й. 26 декабр), “Адвокатлик фаолиятини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги (1998 й. 25 декабр) Қонунлар, Жиноят-процессуал кодекси (1994 й. 22 сентябр),
2. “Конституциявий суд тўғрисида”ги (1995 й. 30 август). “Ўз. Р. “Судлар тўғрисида”ги (Янги таҳрирда. 2000й. 19 декабр), “Прокуратура тўғрисида” ги Қонун (Янги таҳрирда) (2001 й. 29 август), Президентининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2000 йил 14 августдаги).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
5. Ўз.Р. 2000й. 14 декабрь Қонуни таҳририда.
6. Ўз.Р. 2001 й. 29 август Қонуни.
7. Ислом Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. “Халқ сўзи”, 2005 йил 19 январь.
8. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. “Халқ сўзи”, 2005 йил 29 январь.
9. Ўша жойда.
10. Ўша жойда.
11. Ўша жойда.
12. Ўша жойда.
13. Ўша жойда.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Суд назоратини кучайтириш зарурати.....	4
Процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш	11
Жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариш — суд-ҳуқуқ тизимини лебераллаштиришнинг муҳим масаласи.....	16

СУДЛАРНИНГ ЯНГИ МАҚОМИ

Akademiya
Тошкент 2005

Муҳаррир Б. Умаров
Мусаҳҳиҳ В. Рустамов
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Қурбонова
Нашр учун масъул Ш.Ғаниев

Теришга берилди 4.08.05. Босишга рухсат этилди 8.08.05.
Бичими 84x108¹/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 1,8.
Нашриёт ҳисоб табоғи 1,8. Адади 500. Баҳоси шартнома
асосида.

«Ma'rifat-Print» МЧЖ, Тошкент ш., Сўтал ота кўчаси. 7а.